



Яқинда “Hamkorbank” АТБ Бош офисида ходимлар учун навбатдаги маънавият соати ўтказилди. Тизимдаги барча филиалларга онлайн тарзда намоиш этилган ушбу машғулоти бевосита ўзбек миллати тарихига бағишланди.

МИЛЛАТ ТАРИХИГА НАЗАР

“Амир Темур империясидан кейинги ҳолат: ўзбек давлатчилигида Шайбоний-хон сулоласининг ўрни” дея номланган мавзунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ислом цивилизация маркази директорининг илмий маслаҳатчиси, тарих фанлари доктори Ф. Эрназаров, Ўзбекистон Миллий университетининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди А. Замонов ҳамда “Ўзбекистон” телеканали бош муҳаррири Б. Қўшмоновлар атрофлича ёритиб берди.

Тингловчилардан тушган саволлар ва уларга берилган изоҳлар ўртага ташланган мавзунини янада тўлақонли ифодалашда муҳим роль ўйнади.

Тадбир сўнггида Банк Кенгаши раиси И. Ибрагимов қизиқарли суҳбат учун маърузачиларга миннатдорлик билдирди.



Тўртинчи ҳокимият



ЖУРНАЛИСТ ДУНЁГА ЎЗ СЎЗИ БИЛАН ЧИҚИШИ ЗАРУР

Фарғонада ўнинчи бор ўтказилган анъанавий Чимён медиафорумида “Hamkor press” газетаси номидан ҳамкасбим Абдували Кабиров билан иштирок этдик. Бир ҳафталик форум натижасида шу фикрга келдикки, соҳа вакиллари бир маконга жамлаб, бир мақсадга бирлаштирган мана шу каби тадбирларнинг аҳамияти катта экан.

Иштирокчилар республикамизнинг турли ҳудудларидан келган босма ва электрон нашрларда фаолият кўрсатаётган журналистлар. Ҳар хил ёшдаги ижодкорларнинг кўпчилиги ўз касбининг ҳақиқий фидойилари.

Бундан бир неча йил аввал “Нега шифохонага бормасдан хусусий клиникада даволанасиз?” дея берилган саволга беморлардан “Шифохоналарда навбат кутиб куним ўтади, “хусусий”да ишим тез битади” жавобини эшитардик. Аммо бугунги кунда нодавлат тиббиёт муассасаларида ҳам турнақатор навбатлар поликлиникалардагидан қолишмаяпти, бизнеси ҳам “гуллаяпти”. Демак, гап фақат навбатда эмас экан. Хусусий клиникани танлаган бемор вақтигагина эмас, жонига ҳам ачинади, саломатлигини ишончли қўлларга топширишни хоҳлайди. Бу билан мақсадига етармикан? Ана шу муҳим.

Мунозара учун

ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАРГА ИШОНИШ КЕРАКМИ?

Давлат томонидан хусусий сектор ривожига кенг эшик очилишининг сабаби бири бирининг ўрнини тўлдиришга бўлган уринишдир. Чунки аҳоли кўп, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги тиббиёт муассасалари ва унда фаолият юритадиган тиббиётчилар барчани тўлиқ қамраб ололмайди. Зотан улар фақат беморни даволаш билан шуғулланмайдилар, балки, профилактик тадбирлар, тиббий кўриклар тақозосидан соғлом кишилар билан ҳам ишлашга тўғри келади.

Шу жиҳатдан хусусий клиникаларнинг фаолияти ривожланиши манфаатли, албатта. Масалан, пандемия бошланган йили юртимиздаги хусусий клиникаларда 200 га яқин, давлат тиббий муассасаларида эса 50 га яқин МСКТ текшируви амалга оширилгани ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, коронавирус инфекциясини аниқлаш учун ИФТ ва ПЗР усулларидаги таҳлиллар учун Санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари лабораторияларида тирбандлик юзага келиб, бу амалиёт хусусий клиникаларда ҳам жорий этилди. Демак, вақтида ташхислаш, касалликни эрта аниқлаш ва кечикмай даволаш учун хусусий секторга суяниш мумкин.

Кичик ёшдаги болаларни режали эмлаш оилавий поликлиникаларда бепул амалга оширилишига қарамай, айрим ота-оналар хусусий вакцинация марказларига мурожаат қиладилар. Бу ишончсизликми ёки нодавлат марказлар эмлашда ўзининг мақбул стратегияси ва тан олинган сифатига эгами? Сифат ва таъсир жиҳатдан тенг бўлишлари ҳам мумкин, лекин аҳолида хусусий сектор хизматига нисбатан психологик мойиллик ҳам бор, кўпчилик онг остини пуллик хизматга нисбатан ижобий дастурлаб қўйган. Ва бу тасаввур ҳам доим ҳам ўзини оқламайди.

КУН
ҲАҚИҚАТИ:

Ҳар бир киши асосан қўлидан келадиган ва ўзига ярашадиган ишга уриниши зарур.

АРАСТУ.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 3-бетда).

РАМЗАН ҚОДИРОВГА ГЕНЕРАЛ — ЛЕЙТЕНАНТ ҲАРБИЙ УНВОНИ БЕРИЛДИ

Россия Президенти ва мамлакат олий бош қўмондони Владимир Путин Рамзан Қодировга генерал-лейтенант ҳарбий унвонини берди.

Рамзан Қодиров 45 ёшда. У 2007 йил февраль ойидан бери Чеченистонга раҳбарлик қилиб келмоқда ва Россия федерал ҳудудлари орасида бир республикани энг кўп бошқарган етакчи ҳисобланади.

Чеченистон раҳбари 2020 йил июль ойида Россия гвардиясининг генерал майори унвонига лойиқ қўрилганди. Бундан ташқари, у мамлакатдаги энг олий унвон Россия Федерацияси қаҳрамони бўлган, шунингдек, "Ватан олдидаги хизматлари учун" III даражали ордени, "Жасорат" ордени, "Шараф" ордени ва бошқа давлат мукофотларининг эгаси ҳисобланади.

2020 йил якунларига кўра, Қодиров энг бой Россия губернатори деб топилган: у бир йил ичида 381,19 миллион рубль ишлаб олган. Охирги икки йилда Чеченистон раҳбарининг даромади 50 бараварга ошган: у 2018 йилда 7,5 миллион рублни декларация қилган бўлса, 2019 йилда ушбу маблағ 148 миллион рублга етган.



ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР



**ГУРБАНГУЛИ
БЕРДИМУХАМЕДОВ
1 АПРЕЛДАН ТАЪТИЛГА
ЧИҚМОҚЧИ**

Гурбангули Бердимухамедов Туркманистоннинг янги президенти Сердар Бердимухамедовдан таътил сўради.

"Маълумки, мен 40 йилдан бери раҳбарлик лавозимида ишлаб, 25 йилдан бери сиёсат билан шуғулланиб келаман. Бу вақт ичида ишлар кўп бўлгани учун тўлиқ дам ололмадим", — деди собиқ Президент ва 1 апрелдан таътил берилишини сўради.

Бердимухамедов таътил вақтида янги китоблар устида ишлашни, шунингдек, жорий йилда ўтказилиши режалаштирилган Марказий Осиё давлатлари ва Россия парламентларо форуми, Марказий Осиё ва Россия аёллари мулоқоти ва бошқа халқаро тадбирларга муносиб тайёргарлик кўришини таъкидлади.

У таътил даврида вақтинчалик хизмат вазифаларини бажаришни ўринбосари Қосимгули Бабаевга топширишни сўради.

Сердар Бердимухамедов илтимосни қондирди.

Швейцариянинг "IQAir" мониторинг гуруҳи ҳаво ифлосланиши бўйича мамлакатлар рейтингини тақдим этди. Маълум қилинишича, Марказий Осиё давлатлари ичида Тожикистон ва Қирғизистон Ўзбекистондан олдинда, Қозоғистон эса пастроқда жойлашган.



ИФЛОС ҲАВОГА ЭГА МАМЛАКАТЛАР

Дунё давлатлари орасида Бангладеш энг ифлос ҳавога эга бўлган мамлакат сифатида биринчи ўринни эгаллаган. Иккинчи ўринда Чад, учинчи ўринда Покистон қайд этилган. Энг тоза ҳаво Янги Каледония оролида бўлиб, ундан кейинги ўринларни Виржиния ороллари ҳамда Пуэрто-Рико забт этган. Бу ҳудудларнинг

пойтахтлари ҳам ҳаво тозаллиги бўйича етакчи ўринларда туради.

Ҳисобот муаллифларининг қайд этишича, 2021 йилда Марказий ва Жанубий Осиёдаги ҳаво сифати дунёдаги энг ёмон натижалар қаторига кирган. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастури маълумотларига кўра, дунёда ҳаво сифати билан боғлиқ ўлимларнинг 70 фоизи ушбу минтақада содир бўлади.



ЭНГ БОЙ СПОРТЧИ АЁЛ

Жаҳоннинг биринчи ракеткаси, австралиялик Эшли Барти фаолиятини якунлаганини эълон қилганидан сўнг баъзи рақамлар ошкор бўлди.

Фаолияти давомида 25 ёшли теннисчи таҳминан 47 миллион доллар ишлаб топган: турнирдаги чиқишлардан 32 миллион доллар ва ҳомийлик шартномаларидан 15 миллион доллар.

У Австралия теннис тарихидаги энг бой спортчи аёл ҳисобланади. Шунингдек, Барти тарихдаги энг бой теннисчилар рўйхатида 14-ўринни эгаллаб турибди.

ЙИҒИЛАДИГАН ЭНГ ОММАБОП СМАРТФОН

Samsung Galaxy Z Flip 3 Omdia таҳлилчилари версиясига кўра энг оммабоп йиғиладиган смартфон деб топилди.

Samsung компанияси 2021 йилда тўққиз миллионга ана шундай смартфонларни дунё бозорига етказиб берди. Йиллик ўсиш 309 фоизни ташкил этди.

Энг кўп талаб Galaxy Z Flip 3 смартфонига бўлди. Мазкур смартфондан 4,6 миллионга сотилган.

2,5 миллион дона билан Galaxy Z Fold 3, 500 минг дона билан Huawei Mate X 2 топ учталиқ кирди.



ХУСУСИЙ КЛИНИКАЛАРГА ИШОНИШ КЕРАКМИ?

Яна пандемия давридан мисол келтирадиган бўлсак, аҳолининг бир қисми коронавирус хасталиги билан оғирганида саломатлигидан хавфсираб ва яна ўша ички ишонч билан хусусий клиникаларда даволанишни лозим топди. Кимлардир тузалди, кимлардир эса аҳволи оғирлашгач, барибир, коронавирусга чалинган беморларни қабул қилувчи ихтисослаштирилган юқумли касалликлар шифохонасига иши тушди. Демак, шундай долзарб ва қалтис вазиятлар бўладики, бири бирининг ўрнини тўлдириб қолмай қолади. Хорижда хусусий туғуруқхоналар мавжуд. Бизда эса жорий этилмаганининг сабаби тиббиётимизнинг бунга тайёргарлигидир, балки.

Хусусий клиникада хизматларнинг қулайлиги, жозибadorлиги, мижозлар учун қизиқарли усулларни жорий этиши билан устунликка эга бўлиши табиий. сифат жиҳатдан давлат ва хусусий муассаса баробар туриши керак, аслида. Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат хизмати тенг қамраб ололмайдиган вақт хусусий сектор кўмакчи бўлади, лекин аксарият ҳолларда вазирлик тасарруфиди-

ги муассасаларга камхаржлар илож-сизликдан мурожаат қиялпти. Шунга қарамай хусусий клиникаларни "бойлар хизмати" деб айтолмаймиз, чунки ҳамма ҳам "ошиб-тошиб кетганидан" эмас, эҳтиёжманд ҳолатида ҳам сўнгги умид, жонини сақлаб қолиш илинжида хусусий клиника хизматида кўз тикади.

Бугунги куннинг етук кадрлари меҳнатига муносиб маошни мақсад қилган ҳолда давлат эмас, хусусий клиникаларда фаолият юритишни танламоқдалар. Шу боисми, халқда "Ҳамма зўр докторлар — хусусий клиникада", деган ноаниқ тасаввур бор. Аслида кадрнинг иш жойи билим даражасини ифодаламайди-ку (бу фақат тиббиёт эмас, барча соҳаларга тааллуқли).

Яна шундай шифокорлар борки, бир вақтнинг ўзида ҳам поликлиника, ҳам хусусий клиникада ишлайдилар. Энди тасаввур қилинг, пешингача бир жойда, куннинг иккинчи ярмида

бошқа жойда ишлаган бир мутахассис билимини икки хил тарзда намоён қиладими? Албатта, пул тўлаётган ва тўламаётган беморга ўзгача муомала қилиш шифокорнинг инсофига боғлиқ. Бинобарин, касаллик маблағга эмас, муолажага монанд чекинади ёки зўраяди.

Афсуски, айрим коррупцион ҳолатлар, нотўғри даво усуллари, лоқайдлик ва қоғозбозлик ҳолатлари давлат тиббиёт муассасаларининг обрўсига путур етказиб қўйган. Оқибатда беморлар шифокорга бериладиган "қўл ҳақи"ни хусусий клиника кассасига тўлашни афзал билмоқдалар.

Бироқ, бугунги кунда барча хусусий клиникалар ҳам мижоз кутганидек сифатли ва ишончига лойиқ эмас. Шифодан кўра бизнес миссиясини баланд қўядиган тадбиркорлар томонидан очилган клиникалар тўлиқ тиббий кўрик ниқоби остида ҳудуд-беҳудига таҳлил топширтириб, мўмай

даромад иштиёқидарлар. Кўплаб клиникалар шифокор маошини у тавсия қиладиган текширувлар сонига боғлаб қўйган ва бу бошқа манфаатларга хизмат қилиб қолмоқда. Хусусий клиникалар бу борада нафақат ўз ходимлари, балки оилавий поликлиника ва ССВга қарашли шифохона тиббиётчиларини ҳам қўлга олиб, йўлланма бергани учун мукофотлашга ўтди. "Чўкаётган одам хасга ёпишади", деганларидек, бемор даво умидида зарурати юқори бўлмаган таҳлилни топширишга тайёр.

Шу ўринда беморларнинг ҳам айби бор. Улар соғайиш учун барча масъулиятни тиббиётчиларга топшириб қўядилар. Масалан, касалдан фориг бўлиш учун хусусий клиникага мурожаат қилиш орқали ўзларидаги вазифани бажарган, деб ҳисоблайдилар. Аслида бу соғлом ҳаётга эришиш учун кифоя қилмайди. Ҳар ким тиббий саводхонлигини мунтазам равишда такомиллаштириб борса, даво тавсия этаётган шифокор билимини тўғри баҳолай олади ва шундагина ўз фойдасига хизмат қилувчи қарорлар чиқаришга қодир бўлади.

Дурдона АЛИМОВА,
Тошкент.

“Hamkorbank” АТБ Жиззах филиали ва фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди ташаббуси билан Жиззах вилоятида фаолият кўрсатувчи тижорат банклари вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда банклар томонидан ажратилган кредит таъминоти сифатида қўйилган гаров мулклари бўйича даъво таъминлаш чораларини қўллаш тартиби ва асослари ҳамда унинг самараси хусусида сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 9-бобида даъвони таъминлаш тартиби ва қоидалари белгиланган

ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ САМАРАСИ



бўлиб, суд (судья) даъво-ни таъминлаш чораларини ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризаси ёки ўз ташаббуси бўйича кўриши мумкин. Агар даъвони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд ҳужжати ижросини қийинлаштиради ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, даъвони таъминлашга йўл қўйилади.

Даъвони таъминлашга суд процессининг ҳар қандай босқичида йўл қўйилади. Бу тўғрисида аризада даъво-ни таъминлаш чораларини кўриш асослари ва зарурияти кўрсатилган бўлиши лозим.

Шу ўринда савол туғилади: қандай ҳолларда даъвони таъминлаш мумкин? Амалдаги қонунчиликка асосан қуйидагилар даъвони таъминлаш чоралари

бўлиши мумкин:

* жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулкни ёхуд пул маблағларини хатлаш;

* жавобгар муайян ҳаракатларни амалга оширишни тақиқлаш;

* бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш;

* мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво арз қилинган тақдирда, уни реализация қилишни тўхтатиш;

* қарздор ижро ҳужжати юзасидан суд тартибида низолашаётган бўлса ва агар бундай низолашишга қонунчиликда йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундирувни тўхтатиш;

* низоли мол-мулк бузилиши, ҳолати ёмонлашининг олдини олиш мақсадида жавобгарга муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатиш;

* низоли мол-мулкни

даъвони таъминлаш бўйича бошқа чоралар ҳам кўриши мумкин. Фақат бу даъвогар арз қилган талабга мутаносиб бўлиши керак. Зарур ҳолларда, суд даъво-ни таъминлаш чорасининг бир неча турини қўллаши мумкин. Лекин уларнинг умумий суммаси даъвонинг баҳосидан ошиб кетмаслиги керак.

Даъвони таъминлаш тўғрисидаги ариза судья (суд) томонидан ариза тушган куниёқ жавобгарни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал қилинади. Ўз навбатида аризани кўриб чиқиш

натижалари бўйича ажрим чиқарилади.

Мазкур тадбирда кўтарилган масаланинг амалдаги ифодаси сифатида банклар томонидан киритилган даъво аризалар бўйича кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинган бир нечта автотранспорт воситаларига нисбатан даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида сайёр суд ажримлари қабул қилинади ва ижро учун тегишли мажбурий ижро бюроларига юборилади.

Эрмамат ТОЖИБОЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди судьяси.

сақлаш учун учинчи шахсга (сақловчига) топшириш. Шу ўринда суд (судья)

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва давлат хизматлари сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда бу ўз ифодасини топяпти.

М. Нуриддинова билан меҳнат муносабатларига оид ҳужжатлар расмийлаштирилди. Меҳнат Кодексининг 74, 82-моддалари ва уни шу кунгача бола парваришлаш таътилидан тўлиқ фойдаланишни рад қилганлиги сабабли, ишга қайтариш юзасидан қилган мурожаати асоссиз равишда ҳал қилинмаганлиги ва Меҳнат Кодексининг 234-моддаси талаблари бузилганлиги аниқланди.

ХОДИМ ҲАҚ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Эндиликда инсон манфаатлари — олий қадрият ғояси баландпарвоз гап эмас. Давлат органлари ва ташкилотларида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш доимий вазифага айланган. Бироқ фуқароларнинг мурожаатлари ҳали бу борада жойларда етарли иш ташкил этилмаётгани ва айрим мансабдор шахсларнинг лоқайдлиги сабаб қонунбузилиш ҳолатлари кузатилаётганини кўрсатяпти.

Хусусан, Избоскан тумани, Юқори Чувама МФЙда яшовчи фуқаро М. Нуриддинова туман тиббиёт бирлашмасига хомиладорлик ва туғруқ таътилидан сўнг ишга қайтиш юзасидан қилган мурожаати асоссиз равишда жавобсиз қолганлиги, бир неча бор қилган оғзаки мурожаати ҳам инobatга олинмаганлигини маълум қилиб, меҳнат фаолиятини давом эттиришга амалий ёрдам сўраган.

Мазкур мурожаат амалдаги қонунчилик асосида ўрганилди. Натижада туман тиббиёт бирлашмаси мансабдор шахслари томонидан

Ачинарлиси, эътиборсизлик фуқаронинг Конституция ва қонунлар билан қўриқланадиган ҳуқуқларининг бузилишига олиб келган. Йўл қўйилган хатоликни бар-тараф этиш юзасидан Избоскан туман адлия бўлими томонидан киритилган тақдимномага кўра, фуқаро М. Нуриддинова ишга тикланди. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун Избоскан туман тиббиёт бирлашмаси мансабдор шахсларига нисбатан маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

Айтиш мумкинки, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишнинг яхлит тизимини жорий этилиши олиб борилаётган ислохотларнинг самарали мезонидир. Зеро адолатли жамиятда инсонлар бахтли, қонунлар эса барқарор яшайди.

Аҳаджон ҒУЛОМЖОНОВ,
Избоскан туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси.



(Давоми. Боши 1-бетда).

Айни пайтда бир қатор нашрлар чуқур иқтисодий инқирозни бошидан кечиряпти. Айримларининг ҳатто таҳририяти ҳам йўқ. Негаки аксарият ўқувчи газета ўқиш ўрнига, бутун диққатини интернет материалларига қаратган. Анжуман давомида қийинчилик билан газета чиқараётган, моддий манфаатдорлик кўрмасада ўз фарзандидек қадрли бўлиб қолган нашрини сақлаб қолиш учун курашаётган соҳа фидойиларининг изтиробларига ҳам гувоҳ бўлдик.

Форумнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — япониялик журналист билан тўғридан-тўғри видеомулоқотнинг амалга оширилганидир. Япон тележурналисти Нобуэши Широга онлайн мулоқот орқали кунчиқар мамлакатнинг оммавий ахборот воситалари ҳақида аниқ ва мазмунли маълумот берди. Эътиборлиси, япон медиаси ҳам бугунги кунда худди бизнинг журналистика билан бир хил ҳолатда экан. У ерда

га жуда кўп нарсаси берди. Журналистика соҳасида катта тажриба ва билимга эга устозларнинг маърузалари фаолиятимиз учун зарур манба вазифасини ўтади. “Америка овози” мухбири Навбаҳор Имомова олис



**ЖУРНАЛИСТ
ДУНЁГА ЎЗ СЎЗИ
БИЛАН ЧИҚИШИ ЗАРУР**

ҳам интернет нашрлари ўқувчиларининг сони ортиб, босма нашрларга бўлган эътибор анча пасайган. Бир ҳафталик семинар биз-

океан ортидан айнан мана шу тадбир учун етиб келди. Унинг айтишича, бугун ўзбек тилида сифатли ахборотлар кўпайган. Ва яна у келтириб ўтган маълумотга қараганда, биздан фарқли тарзда Америкада интернет материалларига кузатувчилар томонидан шарҳлар ёзилмайди. Ўқувчининг шарҳи муаллиф учун аҳамиятсиз, шу боис шарҳ ёзиладиган дастур блоклаб қўйилади.

Тадбирда сўз олган тажрибали журналист — форум ташкилот-

чиси Муҳаммаджон Обидов бир жиҳатга катта урғу берди. Яъни ўзбек журналистлари чет тилларини билиши ва дунёга ўз сўзи билан чиқиши зарур. Айнан тил билан боғлиқ муаммолар туфайли ўзбек ОАВларининг хориждаги мухбирлари жуда кам сонли эканлиги, бу халқаро воқеаларни ёритишда ўз қарашларимизга эга эмаслигимизга сабаб бўлаётганини айтди.

Тадбир мобайнида нафақат касбий маҳоратни оширдик, балки, хушҳаво Чимён сиҳаттоҳида ҳордиқ чиқариб, дилкаш, меҳмондўст фарғоналикларнинг файзли дастурхонидан, булбулнаво хонандаларининг ажойиб санъатидан ҳам баҳраманд бўлдик.

Н. ТЎХТАМАТОВА.

Мижоз ҳар қандай банк ташкилотини шунчаки хизмат кўрсатувчи муассаса сифатида эмас, молиявий кўмакчи ва маслаҳатчи деб билмоғи лозим. Ана шунда содиқ миждоига айланади.

Аёл
ва
олам

УММОНДА ЧЎКМАСЛИК ҲАРАКАТГА БОҒЛИҚ



“Hamkorbank” АТБ амалиёт бошқармасининг барча бўлимида ишладим. Чакана бизнес бўлимидаги фаолиятимда кўплаб омонатчиларнинг сирдошига, маслаҳатчисига айландим. Уларнинг миннатдорчиликларини эшитганимда шу соҳани танлаганимдан ғурурланган пайтларим кўп бўлди.

Онам банк ходимаси бўлгани боис шу соҳага қизиқишим юқори бўлган. Улар ўз касбининг етук мутахассиси эдилар. “Бугунги тараққиёт ва ривожланиш даврида ким замон билан ҳамнафас билими ва тажрибасини ошириб бормас экан, керакмас ходимга айланиб қолиш ҳеч гап эмас. Айниқса, банк ходими солиқ тизими, бухгалтерия ҳамда қонунчиликдаги янгиликларни билиши зарур”, дея кўп такрорлардилар.

2008 йилда касса амалиётлар бўлимига ишга қабул қилинганида онам (Аллоҳ улардан рози бўлсин) хурсанд бўлиб, “Банкнинг асоси — касса. Яхши мутахассис бўлишни истасанг, кассадан иш бошлаганинг яхши. Банкнинг ҳар бир бўлимида ишлаб чиқмагунингча банк фаолиятини яхлит ҳолда тасаввур қилолмайсан” деган ўғитлари кўп асқотди.

Дастлаб онам, кейинчалик Шарофат Азизова устозлик қилди. Улардан соҳамизнинг сир-асрорларини ўрганиб кам бўлмадим. Ҳозирда “Hamkorbank” АТБнинг Янги миждозларни жалб этиш бўлимида 1-тоифали мутахассис (гендер)

лавозимида фаолият олиб борапман. Гендер стратегиясининг асосий мақсади банк томонидан тақдим этилаётган хизматлардан аёллар ва эркакларнинг тенг фойдаланишига имкон яратиш ҳамда банк ходимлари таркибида аёллар ва эркаклар мувозанатлашган иштироки ва қатнашувига эришиш. Шунингдек, аёлларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича хотин-қизлар кўмитаси ташкил этилган. Унинг вазифаси нафақат ходима аёллар соғлиги, балки, психологик ҳолатларидан келиб чиқиб, тажриба ва билимларини ошириш, улар учун зарур шароитларни яратиш каби муҳим функцияларни назорат қилади. Ҳар бир байрамда тақдирлаш ва эъзозлаш анъанага айланган.

Жорий йилда “Аёл тадбиркорлар” телеграмм гуруҳи ташкил этилди. Банкнинг аёллардан иборат миждозлари аъзо бўлган. Унда саволларга жавоблар, давлат қонунчилиги, солиқ тизимидаги ва банк фаолияти билан боғлиқ янгиликлар билан таништириб борилади.

Ҳаёт гўё уммон. Уммонда чўкмаслик учун кучли ҳаракат муҳим. Менинг назаримда банк фаолияти ҳам уммонга ўхшайди. Қизиқарли, шу билан бирга, юксак ва шарафли. Масъулияти ҳам шунга яраша. Ўз устида ишлаш, тинимсиз изланиш, янги-янги технологияларни фаолиятга татбиқ этиш-замон билан ҳамнафас яшаш демакдир.

Наргиза ЮНУСОВА.

Ўзбекистонда қурилиш саноати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Замонавий янги уй-жойлар, мажмуалар, ишлаб чиқариш объектлари қурилиши, мавжуд объектларни реконструкция қилиш ишларига “Terploizolyatsionnaya kompaniya” масъулияти чекланган жамияти ўз маҳсулотлари билан ҳисса қўшиб келмоқда.

Мазкур МЧЖ 2019 йилда саноати ривожланган Ангрен шаҳрида фаолиятини бошлаган. Корхонада иссиқлик сақловчи ва намлик ўтказмайдиган пластмасса (плиталар) маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳозирда ички бозордан ташқари, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда Тожикистон республикаларидаги миждозларга ўз маҳсулотларини етказиб бермоқда.

— Дастлаб 14 нафар ишчи билан фаолият бошлаган корхонамизда айни пайтда 118 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган, — дейди корхона бош ҳисобчиси Абдурашид Абдувоҳидов.



Хорижий давлатлардан келтирилган дастгоҳлар қалинлиги 20-50 миллиметргача бўлган кўпикли полистиролдан юқори сифатли иссиқлик изоляцияи ҳамда уй-жойларни қуришда фойдаланиладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги линияни ишга тушириш имконини берди. Ушбу маҳсулотлардан пол остидан иситиш, фундамент ва деворларда фойдаланилади.

Корхона ривожланиш йўлида. Экспорт суръатини ўстиришга ҳаракат қилмоқда. Таҳлилларга қараганда, 2020 йилда 2 миллиард 854 миллион сўм ва 2021 йилда 24 миллиард 411 миллион сўмлик экспорт амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқарилган 20 миллиард 750 миллион сўмлик маҳсулотнинг 3 миллиард 390 миллион сўмлиги четга сотилди. Бу икки баробарга ўсиш демакдир.

Жамият 2020 йилдан буён “Hamkorbank” АТБ Ангрен филиали хизматларидан фойдаланиб келмоқда. Айрим етакчи илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик институтлари билан ҳамкорликда саноат, агросаноат ва яқка тартибдаги уй-жой қурилиши учун комплекс энергия тежамкор тизим ечимларини ишлаб чиқмоқда. Барча пеноплэкс материаллари ва тизимлари иссиқ ҳудудлар учун мослаштирилган. Қишда иситиш, ёзда эса хонани салқин сақлашга ёрдам беради.

Абдували КАБИРОВ.

ЭНДРЮ МЕЛЛОН ҚАНДАЙ БОЙИГАН?

ЭРТА ҲАЁТ ВА ТАЪЛИМ

Меллон 1855 йил Питтсбургда судья Томас ва Сара Жейн Меллонлар оиласида туғилган. Меллонлар 1800 йилларнинг бошларида Питтсбургда истиқомат қилган ирландиялик муҳожирлар ҳисобланган. Оила ғарбий Пенсилвания штатида “T. Mellon and Sons” банкига асос солади.

Уйда хусусий таълим олган Меллон 17 ёшида оилавий бизнесга қўшилади. У ҳозирда Питтсбург университети номи билан танилган Ғарбий университетда ўқиган, аммо диплом олмаган.

Томас Меллон ва ўғиллари билан бирга бўлган даврда банк Пенсилваниянинг ғарбий қисмидаги энг кўзга кўринган муассасалардан бирига айланади. Кейинроқ Меллон “Gulf Oil” ва “Koppers” каби компанияларни молиялаштиришга ҳисса

қўшди. Шунингдек, унинг фарзандлари Айлса ва Пол ҳам хайрия ташкилотларига асос солган.

МУҲИМ ЮТУҚЛАРИ

Эндрю Меллон 1921 йил Президент Уоррен Хардинг томонидан Ҳазначилик котиби этиб тайинланган эди. Гарчи у Питтсбургда республикачилар сиёсатида иштирок этган бўлса-да, бу тайинланиш унга миллий эътироф олиб келди.

Меллон 1920 йилларнинг нотинч даврида, сезиларли иқтисодий ўсиш ва кенгайиш билан машхур бўлган ўн йил давомида хизмат қилди. У 1924 йилда Конгресс томонидан қабул қилинган “Меллон режаси”га ўз номини берган. Режа бизнес ва бадавлат шахслар учун солиқларни қисқартирди ва давлат харажатларини камайтирди.

Меллон режаси иқтисодий ўсиш

ва бизнесни кенгайтиришни рағбатлантириш учун

АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР:

— Эндрю Меллон “Gulf Oil” ва “Koppers” каби йирик компанияларнинг дастлабки инвестори эди.

— АҚШнинг учта президенти даврида Ҳазначилик котиби бўлиб ишлаган.

— Давлат харажатларини қисқартирган ва корхоналарга солиқларни камайтирган “Меллон режаси” билан машхур.

— Меллон 1929 йилги фонд бозори қулашидан кейин Ҳазначилик котиби лавозимидан кетади.

— Хайрия ташкилотларига миллионлаб саховатпешалик қилган.

— 1923 ва 1928 йилларда Time журналининг муқовасида ва 1955 йил АҚШ почта маркасида тасвирланган.



ишлаб чиқилган ва у 20-йилларнинг биржа бозорини фаоллаштиришга ёрдам беради. Шуниси эътиборга лойиқки, 1929 йилга келиб давлат қарзи тахминан 7 миллиард АҚШ долларга камаяди. Аммо Меллон ҳам, унинг режаси ҳам 1929 йилдаги фонд бозори қулашидан кейин жиддий танқидга учрайди ва натижада истеъфога кетади.



Суҳбатдошимиз — “Hamkorbank” АТБ Фарғона минтақавий филиали раҳбари Абдуқаҳҳор ШАРИПОВ. 1982 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини 2004 йилда Марғилон филиалида бошлаган. Ҳаётдаги шиори ота-она дуосини олиш. Эришган ютуқларининг сирини ҳам мана шунда деб билади.

— **Ўзингизни бахтли ҳисоблайсизми?**

— Албатта. Ҳар куни мени ишга кузатадиган оилам, давлатим-отам бор. Ишдан кейин уйга шошаман. Устоз танлашда ҳам адашмаганман. Гарчи бошқа соҳада ишлаган бўлсаларда дадамдан кўп нарсаларни ўргандим. Ҳозир ҳам қанақадир муаммога дуч келсам, биринчи бўлиб дадамга юзланаман. Хотиржам ишимни қиламан. Яна нима керак инсонга?

— **Доим очиқ чехра билан юрадиган инсонсиз, бунинг сирини нимада?**

— Кайфият ва ташқи кўриниш кўп нарсани ҳал қилади. Раҳбар одам учун бу янада муҳим. Олдингизга келганлар инсон сифатида сизга ҳавас қилсин. Ишининг битиш ёки битмаслиги бошқа масала. Яна саломда гап кўп. Имкон қадар биринчи бўлиб салом беришга ҳаракат қиламан. Тар-

биямиз шунақа, болаликдан шунга ўрганганман.

— **Ёқтирган машғулотингиз?**

— Табиат қўйнида саёҳат қилиб завқланаман. Айниқса, пиёда юришга одатланганман. Вақт топдим дегунча, фарзандларим билан сайр қиламан. Яна китоб ўқишни ёқтираман. Хонадонимизда мўъжазгина кутубхона ташкил қилганмиз. Чет эл адабиётини кўп ўқийман.

— **Фарзандларингизни қанчалик яхши кўрасиз?**

— Чексиз. Ўлчами йўқ дилбандларимга муҳаббатимнинг. Айниқса, кичкинамиз Абдурахмон жуда бошқача. Ота-онам каби бебаҳо бойлигим. Фарзандларимда ўзимни болагимни кўраман. Қандай касбни танлашларидан қатъий назар, эл хизматида бўлишларини истайман.

— **Ота-онангизга таърифингиз...**

— Беқиёс. Уларни таърифлаш...

(жилмаяди ва узоқ ўйга толади). Отам мен учун энг идеал шахс. Онам Санобархон ая оддий ўзбек аёли, бироқ бағри кенг, қалби дарё. Бировнинг дилини оғритганини сира кўрмаганман. Беш фарзанд ҳалолликни, ростгўйликни онамиздан ўргандик. Ҳалол луқма билан катта қилдилар. Ўзлари дўппи тикиш

ОЧИҚ ЧЕХРАНИНГ СИРИ

билан шуғулланган бўлсалар-да, дунёқараши кенг, кўп нарсани биладилар. Қизларимни бувисига ўхшашларини истайман.

— **Туғилган жойингиз дунёга танилган...**

— Марғилон деганда атласу адрасдан ташқари, уста ҳунармандлар кўз олдингизга келади. Мен ҳам бу борада фахрланишга ҳақлиман. Амакиларимдан косибчиликни ўрганганман. Озми-кўпми кўлимдан келади. Жуда эркатой набира бўлганман. Шунга қарамай катта оилада вояга етганим сабаб ҳунар ўрганишда уқувли эдим. Агар банк ходими бўлмаганимда, шу ишни қилардим. Ҳунармандларни қадрлайман.

— **Раҳбарлик сиз учун...**

— Катта масъулият, катта ишонч. Вазифамдан келиб чиқиб, кимгадир топшириқ беришга ёки ишини назорат қилишга мажбурман, холос. Бироқ, ҳеч кимга қўл остимдаги инсон сифатида қарамайман. Шундан бўлса керак, ходимларим яқин дўстимга айланишган. Раҳбарлик бошқалардан ажраб туриш, дегани ҳам эмас, менинг наздимда.

— **Қандай инсонларни ёқтирмайсиз?**

— Тили бошқа-ю, дили бошқа одамларни кўрганда “қоним қайнаб” кетади. Бундай инсонлардан ҳар нарсга кутиш мумкин.

— **Агар сизни алдашса...**

—...

— **Суҳбатингиз учун раҳмат.**

Акбаржон НАЗАРОВ
суҳбатлашди.



САВОЛ: Ходимимиз меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида ариза ёзди. Лекин мен ишдан бўшашига ариза ёзинг, деб айтдим. Бу ҳолатда қандай йўл тутайлик?

З. КАРИМОВА,

Избоскан тумани Ирригация бўлими кадрлар бўлими нозир.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 99-моддасига кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатиши мумкин.

Агар ходим узрсиз сабабларга кўра ишга чиқмаса, бу меҳнат интизомини бузиш, дея баҳоланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли “Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти) ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги қарорининг 15-бандига кўра ходимнинг огоҳлантириш муддати ўтмасдан ўзбошимчалик билан ишни ташлаши у томонидан меҳнат мажбуриятларини бузишдир.

Демак, бу ҳолатда ходимга нисбатан Меҳнат кодексининг 181-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чораларини қўллашнинг мумкин.

Саволга ҳуқуқшунос
Камолиддин АМАНОВ
жавоб берди.

➔ 1932 йил у Буюк Британияга элчи этиб тайинланди. Аммо бир йиллик хизматдан сўнг шахсий бизнесга қайтади. 1933 йил Президент Франклин Рузвельтнинг янги демократик маъмурияти Меллонни санъат коллекцияси билан боғлиқ иши бўйича солиқни бузишда айблаган, лекин судланмаган.

БОЙЛИК ВА ХАЙРИЯ

1920 йилларнинг охирига келиб Меллоннинг шахсий бойлиги 600 миллион АҚШ долларини ташкил этгани, бу эса уни мамлакатнинг энг бадавлат кишиларидан бирига айлантиргани ҳақида миш-мишлар тарқалади. Кейинги йилларда у филантроп сифатида Питтсбург ва Вашингтондаги таълим ташкилотларига миллионлаб маблағларни хайрия қилади.

Меллон Вашингтонда Миллий санъат галереясини ташкил этиш учун пул ва қатор санъат асарларини берди. Шунингдек, у Питтсбургдаги Меллон институтига асос солган. 1960 йилларда муассаса Карнеги Технология Институтини билан бирла-

шиб, ҳозирги Карнеги-Меллон университетига айланган.

УНИНГ МЕРОСИ

Меллон сиёсий консерватив эди. Бойлар ва бизнесменларни ҳимоя қилувчи чораларни илгари сурган. Бу ғоя баъзи доираларда ҳозиргача сақланиб келмоқда. У хусусан, ўзининг консерватив солиқ ва харажатлар сиёсати ва кейинчалик 1924 йилдаги Даромадлар тўғрисидаги қонун сифатида танилган “Меллон режаси” билан танилган. Ҳаёти давомида у мамлакатнинг энг бадавлат кишиларидан бири бўлган. Тадбиркор ва хайриячи инсон ўлароқ ёдда қолган.

Эндрю Меллоннинг “Mellon National Bank” номи билан танилган оилавий банки кейинчалик “Mellon Financial Corporation”га айланди. 2007 йилда “Bank of New York” билан бирлашади. Бугунги кунда эса, “BNY Mellon” номи билан қайд этилади.

У ҚАНДАЙ БОЙИГАН?

Унинг ота-онаси “T. Mellon and Sons” оилавий банкига асос солган ва Пенсилваниянинг ғарбий

МОЛИЯ КУНДАЛИГИ

қисмидаги кўплаб саноат корхоналарини молиялаштирган. Ёшлигида банкка ишлашга борган Меллон дастлабки босқичларда “Aluminum Company of America” (Alcoa) ва “Gulf Oil” каби компанияларга сармоя киритган. Катта салоҳиятга эришиши мумкин бўлган компанияларни аниқлашнинг ғайриоддий қобилияти билан сармоялари уни Қўшма Штатлардаги энг бой одамлардан бирига айлантирди.

ЭНДРЮ МЕЛЛОННИНГ БОЙЛИГИ ҚАНЧА?

1920 йилларда Меллоннинг бойлиги 600 миллион АҚШ долларига баҳоланган. Бу миқдор бугунги кунда 9 миллиард АҚШ долларидан ошади.

ЎЗ ПУЛИНИ НИМА ҚИЛДИ?

Меллон ўз пулларини кўплаб компанияларга, жумладан, нефть ва саноат фирмаларига кирита-

ди. Шунингдек, у бойлигининг катта қисмини хайрия ва таълим муассасаларига, хусусан Вашингтондаги Миллий санъат галереясига хайрия қилган.

ХУЛОСА


Мунозарали шахс Эндрю Меллон ўз даврининг энг бой инсонларидан бири эди. Сиёсатчи ва давлат арбоби сифатида у иқтисодий ўсишни ва бизнесни кенгайтиришни рағбатлантирадиган солиқ ислохотлари ва сиёсатини жорий қилишга масъул бўлган. Бироқ, 1929 йилдаги фонд бозори қулашидан кейин ва Буюк Депрессия даврида у жиддий танқидларга учради. Унинг қарашлари ҳанузгача иқтисодчилар ўртасида мунозара мавзуси бўлиб қолмоқда. Чунки Меллон прогрессив солиққа тортишнинг мухолифи ҳисобланган.

Нурилло ТЎХТАСИНОВ,
Банк-молия академияси магистранти.

САНОАТ

Иқтисодий тармоқнинг ривожланиши ва илмий-техникавий тараққиётдаги интеграциялашув метрология соҳасининг иштирокисиз амалга ошмайди. Замонавий илғор технологиялар, инновациялар, уларни яратиш ва трансформацияси аниқ ўлчашлар ва уларнинг ишончли кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ. Ҳар қандай янгиликнинг инсонлар ва атроф-муҳит учун ҳавфсиз ва фойдалилиги, илмий-техник даражаси ва сифатини баҳолаш ўлчашлар ёрдамида аниқланади. Айни шу маънода буюк рус олими Менделеев “Ҳар қандай фан ўлчашлардан бошланади. Ўлчашларсиз ҳеч қайси бир аниқ фан мазмунга эга эмас” деб айтган.

ҲАР ИШ ЎЛЧАШДАН БОШЛАНАДИ



Жамият тараққиёти тарихи шуни кўрсатадики, инсон доимо ҳаёт сифатини оширишга ва худди шу тарзда ўлчашларнинг аниқлигини доимий равишда яхшилашга интилади. Сифат сингари ўлчашлар ҳам чекловларга эга эмас, уларга қўйиладиган талаблар универсал бўлиб, турли соҳаларда қўлланилади. Ўлчашнинг аниқлик чегараси йўқ, уни ҳар доим яхшилаш мумкин.

Илмий-тадқиқот натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, ўлчашларнинг бир хиллигини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш харажатлари ЯИМнинг 0,8-1,5 фоиз ўсишига олиб келади. Буюк Британия Савдо ва саноат департаменти томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, метрологияга йўналтирилган инвестицияларнинг иқтисодий самараси умумий ялпи маҳсулотнинг тахминан 0,8 фоизини ташкил қилади, яъни 5 миллиард фунт стерлинг.

Бугунги кунда саноат ва аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг негизида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг рақобатбардорлигини таъминлаш ётади. Сифат ва метрология ўзаро бир-бирига таъсир қилади ва ривожланади. Илмий ва техник янгиликлар янги турдаги ўлчовлар ва бирликларни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Бу фундаментал ўлчашларнинг ривожланишини рағбатлантиради ва амалиётга технологиянинг исталган соҳаси учун янги асбоблар ва қурилмаларни жорий этиш имконини беради.

Ўлчаш воситаларининг тўғри ва аниқ ишлаши жуда муҳим. Шу сабабдан, метрология хизматида ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш хизмат турлари мавжуд бўлиб, ҳозирда юқори аниқликдаги ўлчаш натижаларига эришиш учун калибрлаш усули кенг қўлланилмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, эндиликда

ўлчаш воситасининг ҳақиқий қийматини аниқлаш талаб этилмоқда. Бундай хизматларнинг мақсади маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқарилишини таъминлаш ва улардан ҳавфсиз фойдаланиш имкониятини яратишдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 майдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Фарғона водийси ҳудудида ўлчаш воситаларини калибрлашга бўлган эҳтиёж таҳлили ўтказилди. Ана шу асосида, мавжуд техник имкониятлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Миллий метрология институти давлат муассасаси Андижон филиалининг ўлчаш воситалари устидан давлат метрологик текшируви бўлимида O`zDSt ISO/IEC 17025:2019 "Синов ва калибрлаш лабораториялари компетентлигига умумий талаблар" стандартига асосан калибрлаш хизматини жорий этиш асосий мақсадларидан бирига айланди. Ва калибрлаш лабораториясининг сифат тизими ҳужжатлари ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатлар калибрлаш лабораториялари компетентлигига қўйилган талаблар ва инструктив тавсифаларга эга бўлган 70 дан ортиқ сифат тизими формаларини ўз ичига олади.

Эндиликда филиалимизда қиёслаш ва метрологик аттестатлаш билан бирга, Фарғона водийсида фаолият олиб бораётган ташкилот ва корхоналар, тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган геометрик ва масса катталиклари ўлчаш воситаларига калибрлаш хизматлари кўрсатилмоқда. Бу глобал иқтисодийда мамлакатимизни ишончли ва барқарор ўрин эгаллашига хизмат қилади.

**Г. ШЕРТОЙЛОҚОВА,
Д. СОЛИЕВА,**

*Ўзбекистон Миллий
метрология институти
давлат муассасаси Андижон
филиали мутахассислари.*

Она!

Бу табаррук сўзни эшитиш билан юрагимизда чексиз меҳр пайдо бўлади. Ва ҳар сафар вужудимизда онанинг мунис ва меҳрибон сиймоси акс эта бошлайди. Она, дейиш билан тилимиз ҳам, дилимиз ҳам беқиёс инсоний меҳр-муҳаббатга, эзгуликка тўлиб-тошади.

Фарзанд борки, онаси ҳақида фахр ва ғурур билан гапиради. Улар чиндан-да бунга муносиб. Шоир айтганидек:

Алишерга алла айтиб ухлатган Сен — она.

Оғушида Бобур камолга етган Сен — она.

Торобийни оғир жангга жўнатган Сен — она.

Оламни нурида мунаввар этган Сен — она.

Биз-чи? Биз оналаримизни қанчалик яхши кўрамыз? Уларга қандай таъриф берамиз? Газетамизда бу борада сизга имкон яратиш мақсадида “Менинг онам” лойиҳасини йўлга қўйдик. Унинг дастлабки меҳмонларини ўз оналари ҳақидаги фикрлар билан танишинг.



Менинг онам

**Лазизбек ҒАНИЕВ,
“Hamkorbank” АТБ
Чиноз филиали корпоратив
хизматлар бўлими
менежери:**

— Жаннатим — онам Холида-хон Ғаниева 51 ёшдалар. Касби ҳамширалик. Шунданми муомала борасида ҳаммага ўрнатилган десам муболаға бўлмайди. Агар бу дунёда меҳрга ҳайкал қўйилганда, у аниқ онамдек бўлар эди. Чунки меҳри ҳаммага баробар, қалби қуёшдек ёрқин. Биз фарзандлари учун ҳамма нарсага тайёр. Кўнглидаги ранжини ҳам бировга айтмай, табассум билан енгадиган борлиғим. Қанча таърифласам оз.

Болам, дея ўз халоватидан кечини, меҳрини сира миннат қилмаслиги, кўзимдан дардларимни англашларини қадрлайман. Набиралари онамга ўхшашини истайман.

**Ҳамдам АЛЛАЁР,
Самарқанд иқтисодий ва
сервис институти маркетинг
кафедраси ассистенти:**

О Н А М

Дард чексам ёнимдан кетмас парвонам,
Сиз менинг жаннатим, сиз-ку яғонам,
Дунёда тенгсизим мунисам мени,
Сиз менинг бахтимга кўп яшанг, онам!

Нурга белаб гоҳи қалбим кўрини,
Зарларга безайсиз уйим тўрини,
Тилайсиз бахтларнинг менга зўрини,
Сиз менинг бахтимга кўп яшанг, онам!

Ҳали уйимизда ғамлар йўқолар,
Бахтли кунлар келиб камлар йўқолар,
Ташвишга бой ўшал дамлар йўқолар,
Сиз менинг бахтимга кўп яшанг, онам!

Гоҳ сизни ранжитдим йигитчилик деб,
Гоҳ олис кетурман тирикчилик деб,
Хўрсиниб қўясиз қаричилик деб,
Сиз менинг бахтимга кўп яшанг, онам!

Асли оҳингизда дардим бор менинг,
Ҳақдан сўраб келган арзим бор менинг,
Ҳали узолмаган қарзим бор менинг,
Сиз менинг бахтимга кўп яшанг, онам!

Ёнимда бўлинг сиз етмишимда ҳам...
Сиз менинг бахтимга кўп яшанг, онам!

**Акмалбек АЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ёшлар ишлари агентлиги
бўлим бошлиғи:**

— Оналар ҳақида гапириш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги доим кўз олдинда гавдаланиб туради, қийинлиги таърифлашга сўз ожиз. Менинг онам Одинахон Абдура-сулова Олтинқўлнинг энг бахтли аёлларидан. Жуда меҳрибонлар. Муаллима бўлганликлари учунми бизни доим назорат қиладилар. Берган топшириқлари эсдан чиқмайди. Жойи келганда уришиб ҳам беради. Лекин сира гина сақламайдилар. Доим изланиши, илм ортидан юришларини ҳавас қиламан. Кўп китоб ўқийдилар. Умрлари узун бўлсин, жуда яхши кўраман.

Тўғрисўзлиги, агар камчилигимиз бўлса, жойида тўғрилашлари ва ҳамма оналарга хос бўлган меҳринбонликларини қадрлайман. “Онаси борнинг юраги бутун бўлади”, дейдилар. Ҳақ гап.

**Мансурбек ЖАББОРОВ,
"Оила ва табиат"
газетаси мухбири:**

— Қашқадарёнинг Якка-боғ туманидаги Наврўз қишлоғида яшовчи онам Гул-лола Авлоқулова софдил, оқкўнги аёл. Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасидан қувонишни биладилар. Укамнинг оддийгина қилган ҳазилларидан ҳам кўнгли яйраб кетади. Балки, бу барча оналарга хос хислатдир. Оддий сўзлар билан таърифлай олмайман.

Онамни сира ёлғон ишлатмаслиги, самимийлигини қадрлайман. Инсонийлик борасида биз фарзандларига, ўқитувчи сифатида ўқувчиларига доим ибрат.

Ҳазрати Имом, ҳалқ тилида Ҳастимом, юртимиз зиёратгоҳлари қаторидаги табаррук мажмуа ҳисобланади. Ушбу масканда турли қадимий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзгача сир-синоатга бой. Ўзбекистон “Макка”си номини олишига асосий сабаб ҳам шунда.



Қаффол Шоший мақбараси

Мақбара Абу Бакр Муҳаммад ибн Қаффол Шоший хотирасига бағишлаб қурилган. “Буюқ шахслар оламдан ўтсалар ҳам улуғдирлар”, деб бежизга айтилмаган. Зиёратгоҳни катта ёдгорлик сифатида тарихга муҳрланиши ҳам алло-манинг шарафи ва эъзози йўлида амалга ошди. 1541-1542 йилларда Тошкент ҳукмдори Бароқхон фармонида биноан меъмор Ғулом Ҳусайн томонидан таъмирланган. 2007 йили мақбара биноси тубдан қайта обод этилди. Элимиз ардоғидаги шахсни йўқлаб келувчи сайёҳларнинг кети узилмайди. Унинг ҳаёт йўли ва туганмас илм соҳибига айлангани барча ташриф буюрувчиларнинг меҳрига сазовор бўлади.

Ҳазрати Имом масжиди


Авваллари майдонда фақатгина Тилло Шайх масжиди мавжуд эди. Узоқ яқиндан келувчилар ўзларига мослаб Ҳастимом деб аташарди. 2007 йил масжид қайтадан бунёд этилиб, обод қилинди. Бино катта ҳашамат ва кўркемликда қад ростлаган. Икки четда жойлашган минора ва қўш гумбазлар масжидга ўзгача кўриниш беради. Юртимизнинг энг катта ибодатхонаси ҳисобланиб, беш мингдан ортиқ киши намоз ўқий олади. Масжид ташқарисидagi минорларнинг баландлиги 57 метр.

Ҳовлисига қадам ранжида қилиш билан нақшинкор устунларга кўзингиз тушади. Ҳар бири шарқона меморчиликнинг гўзал услубида яратилган. Пештоқларда хаттотлик услубида битилган ёзувлар кишини ром этмай қолмайди.

Масжид хонақоҳининг узунлиги 77 метр, эни эса 22 метрни ташкил этади. Шифтнинг ўртаси думалоқ шаклда, бежирим нақшлар билан қопланган. Дарвоқе, масжидда аёллар ибодати учун алоҳида хона мавжуд. Ҳашамат ва ёруғ жойда бемалол 500 киши намоз ўқиса бўлади. Аёл киши зийнатланганидек, пештоқлар гуллар билан безатилган.

Х

ҲАСТИМОМ МАНЗАРАЛАРИ




Тилла шайх масжиди

Ҳазрати Имом даҳасининг “Парчабоф” маҳалласида туғилган Тилла Шайх қурдирган. Асосий биноси 1902 йилда барпо этилган. Масжиднинг эни 14 метр, бўйи 17,3 метр. Икки четида кичик минорча ва ўртада каттагина минор қад кўтарган. Кираверишда кичик айвон, масжид ичида эса иккита меҳроб мавжуд. 1972 -1973 йилда таъмирланиб, қиблага қаратилиб яна бир хонақоҳ қурилди. 2007 йил қайта обод этилди. Ички хоналари жуда бежирим, номига мос равишда тилло ранг уйғунлашган.

Тошкентга ташриф буюрганлар ушбу масканни ўз кўзлари билан кўриб, ҳақиқий табаррук ерларга қадамлари етганидан беҳад қувонишлари табиий. Юрт фидойилари, динимиз пешволари меҳнатлари доим қадрда ва шарафга лойиқ. Албатта, боришни ният қилиб уни амалга оширишга киришинг.



Матлуба АҲМЕДОВА.



Бароқхон мадрасаси

Маскан майдоннинг паст қисмида қад ростлаган. XV-XVIII асрларда қурилган меъморий ёдгорликлардан таркиб топган. Дастлаб бинонинг шарқий бурчагида мақбара қурилган. Бароқхон мадрасаси 1502 - 1770 йиллар оралиғида босқичма босқич қурилган. Ушбу мадрасани XVI аср ўрталарида Тошкент ҳукмдори Наврўз Аҳмадхон — Бароқхон қурдирган. Унинг номи билан сақланиб бизгача етиб келган. XX асрда қайта таъмирланган. Бинодан 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон мусулмонлар идораси қароргоҳи сифатида фойдаланилган.

Одмигина кўринган мақбара гумбаз билан қопланган ва 32 хужрани ўз ичига олади. Мадраса ҳовлиси дарвозахонаси тепасига маҳобатли пештоқ барпо этилган. Эшиклари нақшинкор, ҳовлисига кираверишда қатор хужралар айлана шаклида кетма-кет жойлашган. Авваллари дарсхона ёки ётоқхона сифатида қўлланилган бўлса, ҳозирда хужраларда ҳунармандлар ижод маҳсуллари билан тўлган.

Миллий кўринишдаги бетакрор ижодий намуналар сайёҳлар эътиборидан четда қолмайди. Ҳар бири қўл меҳнатининг намуналаридир.

Биласизми?

Дунёдаги энг баланд кутубхона Шанхайда, Марриотт меҳмонхонасида, тахминан 230 метр баландликда жойлашган.

ЭНГ БАЛАНД КУТУБХОНА ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАН?

Кутубхона меҳмонхонанинг 60-қаватида (230,9 м.) жойлашган бўлиб, Гиннеснинг рекордлар китобидан “Дунёдаги энг баланд кутубхона” сифатида жой олган.

Кутубхонага кириш учун

меҳмонхона номеридаги электрон карточкадан фойдаланилади. Унда хитой ва инглиз тилларида адабиёт, фалсафа, тарих каби турли мавзулардаги 2000 дан ортиқ китоблар мавжуд.



ФАҚИРЛИК —

ЧЎНТАК БЎШЛИГИДА ЭМАС, ҚАЛБ БЎШЛИГИДА

Уст-боши юпун бир одам дўконга кириб сотувчидан сўради:

— Сизда цемент учун суртма дори (мазь) борми?

Сотувчи бу саволдан кулиб юборди ва масҳара оҳангида унга шундай деди:

— Ҳа, бизда тош учун ҳам, темир учун ҳам суртма дори бор. Сизга қанақаси керак, четдан келадиган тозасими ёки ўзимиздан

чиқадиганими?

— Четдан келадиган тозасидан берақолинг, — деди ҳалиги одам.

Сотувчи:

— Айтиб қўяй, униси

● ИБРАТ

қиммат туради, — деди кулиб.

Шунда ҳалиги одам қўлини кўтариб, сотувчига кўрсатди ва шундай деди:

— Цемент ташиб,

қўлим ёрилиб кетган. Бу қўлим билан қизалоғимни эркалаб, юзини силай олмаяпман. Агар шу қиммат дорингиз қўлимдаги нарсани кетказса, беринг, пулини тўлайман.

Бу гапдан кейин сотувчи сергак тортиди. Аввало, олдинроқ қилган муомаласидан, кейин фарзандларини охириги марта қачон эркалаб уйнатганини эслолмаганидан қаттиқ уялди.

МЕН БИЛГАН
ҲАҚИҚАТЛАРМИЯМ ҚИСИБ
ҚОЛДИ...

Атрофда шунча яхши одамлар туриб, ҳозирги ёшлар аллақандай ашулачию артистларга ҳавас қилганига ҳайронман... Баъзилари уларни ота-оналаридан да устун қўйганига эса умуман чидаб бўлмайди.

Оммавий маданият болаларни ота-оналардан, мактабу одоб-ахлоқдан айираётганига ҳалиям кимларнингдир ақли етмаётганига ўласанми-куясанми? Яна ўша "артист"ларга орден-медалу унвонлар беришяпти...

Шуларни кўриб, мениям миям қисиб қоляпти...

ҲАММА КУЛИБ
ЮБОРДИ...

Кеча, қайсидир издиҳомда бир ҳожи акамиз мени роса... чайнабди. Буни айтиб келишганда, бирор сўз айтмай, кулиб қўя қолдим. Сабабини сўрашганда эса, дедим:

— У киши устозим бўлади!.. Шогирд устоздан ўтмаса бўлмайди-да...

Энди ҳамма кулиб юборди.

Улар бир нарсани тушунишди, шекилли.

БИЗЛАР УЧУН
ХОС ИБРАТ

Мағрур ва димоғдор кишилар ҳеч қачон ҳеч ким билан, ҳатто бир-бирлари билан ҳам келиша олмайдилар. Чунки улар фақат ўзларинигина ҳақ, деб биладилар.

Бизларга ибрат учунгина Оллоҳ уларни шундай яратиб қўйган бўлса, не тонг!

БИР УМР
ЕТМАЙДИ

Нафрат билан Муҳаббатнинг ораси бир қадам ҳам келмаса керак. Аммо уни босиб ўтишга баъзан бутун бир умр кифоя қилмайди.

Ишонмасангиз, синаб кўрингчи...

МЕҲР КЕРАК,
ХОЛОС...

Ота-оналар фарзандларига улар кўнгли истагандан-да кўп, ҳатто ҳамма нарсасини берадилар. Аммо фарзандларидан кўнгли тилаганча нарсани ололмайдилар.

Ваҳоланки, улар биргина меҳр сўрайдилар, холос.

Нажмиддин ИКРОМИЙ.

...Аёлнинг кўз ёшини кўриб ректорнинг ҳам кўнгли юмшади. Бўлмаса-ку, шунча вақт дарсларда қатнашмаган талабани ҳеч қачон кечирмаган бўларди. Муштипарнинг юракни эзиб юборувчи ҳасрату нолаларидан кейин факультет деканини койиди — талабасининг ҳолидан хабар олмани учун. Ахир бечора тўрт ойдан буён оғир аҳволда ётган бемор отасига қараш билан овора экан. Оиласи ҳам ночорлигини билишмабди. Муҳокамаю мунозара анча чўзилиб кетди. Йигит қайта-қайта тавба қилди.

О н а и з о р йиғисини тўхтатолмай ҳиқиллаб-ҳиқиллаб дуо қилган бўлди. Бу орада котиба қиз кириб, ректорга қўшни вилоятдан келган бир киши учрашмоқчилигини ва бироз шошилаётганини айтди. Ректор "Меҳмон кираверсин", деб муҳокамага қисқа якун ясади.

Аёл ташқарига чиқиши билан меҳмон кирди. Ректорнинг шогирдларидан бўлган бу одам ичкари кирибоқ йигитга кўзи тушиб:

— Ие, Содик, сен ҳам шу ердямидинг? — деб сўради.

Талаба ярқ этиб меҳмонга қаради, саросимага тушиб, ранги оқариб кетди. Нимадир демоқчи бўлди. Бироқ, тили калима-

га келмади. Хиёл бош силкиб, шошганча чиқиб кетди.

Ректор салом-алиқдан кейин ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима, сиз бу талаба йигитни танийсизми?

— Ҳа, тоғамнинг ўғли-ку!

— Шундайми? Тоғангиз тузукмилар, ишқилиб?

— Э, зўр. Тоғамни танийсиз, қўшма корхона директори.

— А-а?.. Ҳалиги чиқиб кетган аёл келинойингиз экан-да.

— Йўғ-э, у аёлни танимайман.

Ректор ҳайратдан қотиб қолди.

— Ахир, у аёл бир

соатдан буён бечора боласининг оғир аҳволда ётган бемор отасига қараб, дарсларга келолмаганини, эри ўлиб ўлолмай, тузалиб тузалолмай беҳуш ётганини, ўзи ҳам қийналиб адои тамом бўлганини айтиб йиғлади-ку!

— Йўғ-э!... Тоғам кеча Японияга учиб кетди. Хорижлик ҳамкорлар билан шартнома имзолаши керак экан. Бир айланиб келсин, деб, келинойимни ҳам олиб кетди.

Тезда йигитни ва аёлни топиб қайтариб келишга буйруқ бўлди. Йигитни "ёлланган она"си билан қаҳвахонада чақ-чақлашиб ўтирган еридан топишди ва



Ҳабиб СИДДИҚ

Ота керак(мас)ми?

ҳар иккисини зинғиллатиб институтга олиб келишди.

Жиддий суриштирув чоғида сир очилгач, аёл яна кўзига ёш олди. Йигитнинг илтимосини рад этолмаганини, кўнгли бўшлигини, вақтинча "она"си бўлиб туришга розилик бериб, хато қилганини айтиб, йиғлади. Лекин бу гал йиғиси ишончсизроқ чиқди.

Талаба йигит эса тўқликка шўхлиги боис пешонаси деворга урилганини англади, энди ҳаммаси тамом бўлганини тушуниб, бутунлай бошини

кўтаролмади.

Қизиғи шундаки, бу ҳол биринчиси эмас экан. Муайян ҳақ эвазига "муштипар она", "бечора ота" ролини ўйнайдиганлар, ўйнатадиганлар онда-сонда бўлса-да учраб тураркан.

Шундан кейин хангоматалаб талабалар ва ўқитувчилар орасида буюртмалар қабул қилинаётгани ҳақида ҳазиломиз эълонлар тарқалди: "вақтинчалик она" ҳар соати — 50 минг сўм, "вақтинчалик ота" ҳар соати — 100 минг сўм.

КАР ҚУЛОҚҚА

НАФМАЛАР

ёхуд Қулмат гараннинг эшитганлари

Бир гектар эрдан 40 центнердан тахта олинди (ердан, пахта).

Жувон дўконида елин бор экан (жавон, елим).

Мўрига ўтириб олиб, роса олов ейишди-да (сўрига, палов).

Ўғлим "Гулшан" кофесида тош ошпаз бўлиб ишлаяпти. (кафесида, бош).

Хотиним туллар байрамига кетди, қўшни. (гуллар).

Қовун фабрикаси ишга тушди (совун).

Жўжани тузда санаймиз (кузда).



Аёл эркакдан сўради:

— Сиз эркаклар аёлларни кўзларингиз билан севасиз. Шу тўғрими?

— Тўғри.

— Унда нега қачон қараса қора кўзойнақ тақиб юрасизлар?

— Севиб қолишдан ўзимизни асраймиз!

КЕЛИНГ, БИР
ҚУЛИШАЙЛИК

Эркак дўстини қўлтиқтаёқда кўриб, сўради:

— Нима бўлди?

— Автоҳалокатга учрадим.

— Даҳшат! Энди қўлтиқтаёқсиз юра олмайсанми?

— Билмадим. Врач юра оласиз деяпти, адвокатим эса аксини гапиряпти.

— Яхши қиз, агар шоир бўлсам, сизга шеър бағишлардим. Рассом бўлганимда, суратингизни чизардим. Афсуски, мен мебель фабрикасида оддий қоровулман. Шунинг учун сизга фақат каравотни таклиф эта оламан.



Бекатда эркак бошқа бир эркакка деди:

— Ҳозирги ёшлар кийинишда жуда ҳаддиларидан ошиб кетишган! Ана, ҳов анави қизни қаранг, худди суюқоёқларга ўхшаб кийинволибди!

— У қизмас, менинг ўғлим!

Бошлиқ ходимдан сўради:

— Нега ишга кеч қолдингиз?

— Ўзингиз нега маошни кечиктиряпсиз?

— Кечиктирсам ҳам, барибир, оляпсиз-ку!

— Мен ҳам кечик-каним билан, барибир, ишга келяпман-ку!



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида
2021 йил 19 майда
1181 рақам билан қайта рўйхатга олинган
Индекс: 460
e-mail: hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Нашр учун масъул:
Н. ИУЛДОШЕВА
Саҳифаловчи:
А. КАБИРОВ
Манзилимиз:
Андижон шаҳри,
105100, Бобур шоҳқўчаси 53-уй.
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-349 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобоқ.

ISSN 2181-9734



Сотувда келишилган нархда.